

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИШЛОҚ СУҒУРТАСИ ФАОЛИЯТИ АСОСЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Абдулладжанов Жасурбек Нурматович

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.12.2023 йилдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-205-сонли Фармониغا асосан 2024 йил ҳосилидан бошлаб фермер хўжаликлари томонидан пахта хом ашёсини етиштириш харажатларини тижорат банклари орқали Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштириш тартиби жорий қилинди.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.12.2023 йилдаги “Пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш ҳамда уларни реализация қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 680-сонли Қарори ишлаб чиқилди. Қарор билан “Пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини ҳамда пахта хом ашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини кредитлаш тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Мазкур қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган махсус ишчи гуруҳ, Туркия Республкасига ташриф буюриб, тажрибаларини ўрганишди. Унга кўра, Туркия давлатида қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасида 2005 йилда алоҳида қонун қабул қилинган бўлиб, 2006 йилда қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга ошириш тўғрисида Ҳукумат қарори ишлаб чиқилган ҳамда ушбу қарорга муофиқ қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармасининг ишлаш тартиби ва тамойиллари тўғрисида Низом тасдиқланган.

2006 йилдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги суғуртаси (TARSIM) тизими амалиётга жорий қилинган.

Шунингдек хар йили жамғарма маблағлари миқдоридан ортиқ бўлган эҳтимолий зарарларни кафолатлар, таклиф этиладиган янги суғурта махсулотлари ва давлат бюджети ҳисобидан тўлаб бериладиган суғурта мукофотлари (субсидиялар) бўйича Президент қарори тасдиқланади.

Туркия қишлоқ хўжалиги суғуртаси 16 йиллик бой тажрибага эга бўлиб, мазкур тажрибадан Озарбайжон Республикаси наъмуна сифатида фойдаланган ҳолда ўзининг қишлоқ хўжалиги суғурталаш тизимини йўлга қўйган.

“TARSIM” қишлоқ хўжалиги суғурта тизими орқали:

- 1) Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳосилини суғурталаш (пахта, буғдой, мева сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари);
- 2) Иссиқхона комплексларини суғурталаш;
- 3) Йирик бошли чорва хайвонларини суғурталаш;
- 4) Кичик бошли чорва хайвонларини суғурталаш;
- 5) Паррандаларни суғурталаш;
- 6) Балиқчиликни суғурталаш;
- 7) Асалари уялари (асаларичилик) суғуртаси амалга оширилади.

Туркияда 2022 йилда 767 мингта фермер хўжаликлари 3,5 млн гектар қишлоқ хўжалиги майдонлари суғурта қилинган ва жами 121 млн доллар миқдорда суғурта зарарлар қоплаб берилган.

2022 йилда қамров даражаси Йирик бошли чорва хайвонларида 28 % ни, Кичик бошли чорва хайвонларида 22 % ни, Паррандаларни суғурталашда 40 % ни, Балиқчиликни суғурталашда 12 % ни ташкил этган.

Туркияда TARSIM жамғармаси қишлоқ хўжалиги соҳасида ягона суғурта сиёсатини юритади ҳамда суғурта хатарлари бўйича тўлиқ молиявий жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини суғурталашда хусусий суғурта ташкилотларига фақатгина TARSIM тизими орқали тадбиқ этишга йўл қўйилади.

TARSIM суғурта жамғармасининг юқори бошқарув органи сифатида Кузатув Кенгаши тузилган, Кенгаш таркибида Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлигидан 2 та, Молия вазирлигидан 2 та, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар уюшмасидан 1 та, Суғурталовчилар уюшмасидан 1 та вакил ва TARSIM бош директори фаолият олиб боради.

TARSIM жамғармаси фаолиятини ўзаро шартнома асосида Акционерлик жамияти шаклидаги бошқарув компания юритади. Ушбу бошқарув компанияга қишлоқ хўжалиги суғуртаси билан шуғулланувчи

29 та суғурта ташкилотлари аъзо ҳисобланади.

Суғурта мукофотининг 50 фоизидан 67 фоизигча бўлган қисми давлат бюджет ҳисобидан қопланади.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар кесимида барча зарур маълумотлар (экин майдони, экин тури, ишлаб чиқариш йўналишлари, тупроқ анализи, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва бошқалар) базаси жамланган Ягона электрон платформа яратилган. Мазкур платформа орқали суғурталаш жараёнида керакли бўладиган маълумотлардан фойдаланилади, суғурталашнинг ягона шarti суғурталанувчи ҳақидаги барча маълумотлар ушбу платформага киритилган бўлиши лозим.

Маълумот учун: суғурта мукофоти фермер хўжаликлари томонидан декларация қилинган маълумотлар (экин тури, майдони, ҳосилдорлиги ва нархи)ни ўтган йиллардаги статистик ҳисоботлар билан солиштириб, худудлар ва ҳар бир экин тури бўйича тасдиқланган суғурта тарифлари (фоизлари) асосида, суғурта суммаси электрон тизим орқали ҳисобланади.

Хулоса сифатида шунни айтишимиз мумкинки, Туркия тажрибаси асосида, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик соҳасини суғурталаш соҳани суғурталаш тизимини такомиллаштириш юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда қуйидагилар ишлаб чиқилади:

жорий йил якунига қадар “Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилади;

жорий йил октябрь ойи якунига қадар “Қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳасида ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида Президент қарор лойиҳаси ишлаб чиқилади, ушбу қарор лойиҳасига муофиқ:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги суғуртасини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Ўзқишлоқсуғурта” жамғармаси ташкил этилади;

“Ўзқишлоқсуғурта” жамғармаси қишлоқ хўжалиги соҳасида ягона суғурта сиёсатини юритади ҳамда суғурта хатарлари бўйича тўлиқ молиявий жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини суғурталашда бошқа суғурта ташкилотларининг суғурта маҳсулотларини тадбиқ этишга йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда суғурта ташкилотлари иштирокида Қишлоқ хўжалиги суғуртасини бошқарувчи компания АЖ шаклида ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича суғурта мукофотининг 50 фоизи қисми Давлат бюджети ҳисобидан субсидия шаклида “Ўзқишлоқсуғурта” жамғармасига қоплаб берилади.

Агросаноатни рақамлаштириш маркази томонидан соҳада жорий этилган ахборот тизимларига интеграциялашган “Қишлоқ хўжалиги суғуртаси” ахборот тизими яратилиб, “Агроплатформа”га интеграция қилинади. Унда суғурта компаниялари билан ҳамкорликда маҳсулот етиштирувчиларнинг ер майдонлари, экин тури, ҳосилдорлик, нархлар прогноз тўғрисидаги маълумотлар асосида юзага келадиган рискларни аниқлаш, суғурта полисларини расмийлаштириш ва ҳисоб-китоблар амалга оширилиши белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.12.2023 йилдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-205-сонли Фармони (<https://lex.uz/en/docs/6692968>).
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.12.2023 йилдаги “Пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш ҳамда уларни реализация қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 680-сонли Қарори (<https://lex.uz/uz/docs/6705749>).
3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манбалари (<https://www.agro.uz/>).
4. Tarsim sug`urtasi rasmiy sayti <https://www.tarsim.gov.tr/>